

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 28

**МАВЗУ: ОҒИЗ БЎШЛИҒИ, ЛАБЛАР, ТИШЛАР,
УЛАРНИНГ ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

II- семестр
28-амалий машғулот (10-маъруза)

Мавзу: Оғиз бўшлиғи, лаблар, тишлар, уларнинг ёшга қараб ўзгариши.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини, вазифасини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар.

- оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларини ўзбекча ва латинча номларини ўргатиш
- оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг қисмларини кўрсатиш
- оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг болалардаги хусусиятларини ўргатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини, уларнинг вазифасини ва одам организмидаги аҳамиятини тушинтириб беради.

Оғиз бўшлиғи (cavitas oris) ҳазм аъзолари тизимининг бошланғич қисми. Оғиз бўшлиғи пастдан оғиз диафрагмаси, юқоридан қаттиқ ва юмшоқ танглай, ён томондан лунжлар, олд томондан лаблар билан чегараланади, орқада эса томоқ тешиги воситасида ҳалқум билан қўшилади. Тишлар ва жағларнинг альвеоляр ўсиқлари оғиз бўшлиғини икки: оғиз даҳлизи ва хусусий оғиз бўшлиғига ажратади.

Оғиз даҳлизи ташқи томондан лаблар ва лунжлар билан, ички томондан эса тишлар ва милклар билан чегараланади. Оғиз дёаҳлизига кириш оғиз тирқиши лаблар билан чегараланади.

Янги туғилган чақалоқда тишлар бўлмагани ҳамда жағларнинг альвеоляр ўсиқлар яхши ривожланмагани учун оғиз бўшлиғи кичик.

Уларда оғиз даҳлизи лаблар, лунжлар ва милк қирралари ўртасида жойлашган тор ёриғдан иборат.

Милк (gingva) юқори ва пастки жағларнинг альвеоляр ўсиқларини қоплаган шиллиқ парда. У жуда қалин ва пишиқ бўлиб, тиш бўйнини ўраб олади ва суяк усти пардага мустаҳкам бирикади.

Янги туғилган чақалоқнинг милкини қоплаган шиллиқ парда қалинлашган, бўлажак тишлар ўрнида бўртиқчалар бўлади.

Устки ва пастки лабнинг (*labium superius et inferius*) асосини оғиз тирқиши атрофидаги айланма мушак ташкил қилади. Уни ташқи томондан тери, ички томондан шиллиқ парда қоплаган. Уларнинг ўртасида оралик қисм жойлашган. Лабларнинг шиллиқ пардаси милкка давом этиб ўрта чизикда лаб юганчасини ҳосил қилади. Янги туғилган чақалоқ лаби қалин, шиллиқ пардаси юпка, сўрғичлар билан қопланган. Эмизикли бола лабида сўрувчи мушаклар бўлади. Оғиз тирқиши атрофидаги айланма мушак яхши таракқий этган.

Лунж (*buccae*) оғиз бўшлиғини ўнг ва чап томондан чегаралаб туради. Унинг ичида лунж мушаги жойлашиб ички томондан шиллиқ парда, ташқи томондан тери билан қопланган.

Тишлар (*dentes*) юқори ва пастки жағларнинг тиш катакчаларида жойлашган. Тишлар уч қисмдан: тиш тожи, бўйни ва илдизидан иборат. Тиш тожи оғиз бўшлиғида кўриниб турган қисми бўлиб, тўртта юзаси бор. Тилга қараган юзаси, ёғиз даҳлизига қараган юзаси, тишларнинг ўзаро ёндошган юзаси ва чайнов юзаси. Тиш бўйни торайган қисми бўлиб, атрофидан милк ўраб туради. Тиш илдизи биттадан учтагача бўлиб, тиш катакчаларида жойлашган. У илдиз учи билан тугайди. Тиш тожи ичидаги тиш бўшлиғи илдизда канал бўлиб, учидан илдиз учи тешиги бўлиб очилади. У орқали кирган қон томир ва нервлар тиш пульпасини ҳосил қилади.

Тишнинг моддаси дентиндан иборат бўлиб, тиш тожи ташқи томондан эмал илдизи эса цемент билан қопланган.

Одамда тиш икки марта чиқади. Сут тишлари (*dentes decidui*) бола ҳаётининг 5-7 ойларидан бошлаб чиқа бошлайди. Доимий тишлар (*dentes permanentes*) 6-7 ёшдан чиқабошлайди.

Тишлар тожи ва илдизининг тузилишига қараб тўрт турга

ажратилади:

1.Кесувчи (курак) тишлар (*dentes incisivi*) жағнинг бир томонида иккитадан бўлиб, ташқи ва ички курак тишлар деб аталади. Тиш тожи исканага ўхшаш, оғиз даҳлизига қараган юзаси биров кўтарилган, орқа юзаси ботиқ, чайнов юзаси ўткир қирра билан тугайди. Илдизи конус шаклида, ён томондан сиқилган.

2.қозиқ тишлар (*dentes canini*) жағнинг бир томонида биттадан бўлиб, тожи ўткир учли конус шаклида. Илдизи узун, ён томондан сиқилган.

3.Кичик озиқ тишлар (*dentes premolaris*) жағнинг бир томонида иккитадан бўлиб, тожи чайнов юзасида иккита дўмбоқчага ажраган. Илдизи битта конус шаклида.

4.Катта озиқ тишлар (*dentes molaris*) жағнинг бир томонида учтадан. Тиш тожи кубсимон бўлиб, чайнов юзаси эгатлар воситасида дўмбоқчаларга ажраган. Юқори жағ тишларининг илдизи учта, пасткисида эса иккита бўлади. Катта озиқ тишларининг учинчиси анча кеч (18-25 ёшда) чиқади ва ақл тиши (*dentes serotinus*) деб аталади.

Доимий тишларнинг жойлашиш тартиби (формуласи) қуйидагича

~~3.2.1.2. : 2.1.2.3~~

3.2.1.2. : 2.1.2.3

Сут тишлари бола 6-7 ойлик бўлганида пайдо бўлабошлайди ва 2-2,5 ёшларда уларнинг сони 20 тага етади. Болаларда сут тишлари ичида кичик озиқ тишлар йўқ, катта озиқ тишлар эса иккита. Шунинг учун сут тишларининг формуласи қуйидагича :

2.0.1.2 : 2.1.0.2

Сут тишларининг ташқи ва ички тузилиши доимий тишларга ўхшаган, фақат ҳажми икки марта кичик. Уларнинг эмали оқ ёки ҳаворанг бўлиб, сарғимтир рангдаги доимий тишлардан фарқ қилади. Сут тишларининг илдизлари яхши ривожланмаган.

Доимий тишлар жуда вақтли пайдо бўлсада, то ёриб чиққунича сут тишлари илдизлари орасида жойлашади.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўллаймиз. Учта турли хил савол учта кичик гуруҳга берилади. 1).Оғиз бўшлиғи. 2).Тишнинг умумий тузилиши. 3).Тишларнинг турлари. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини ҳатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг жавоби тўлиқ бўлиб, кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади ва гуруҳнинг барча катнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1.Оғиз дахлизи қаерда жойлашган?

- А. Лаблар милк ва тишлар орасида
- Б. Олдинда лаблар ва лунж, орқада тишлар билан милклар орасида
- В. Олдинда милклар ва тишлар, орқада томоқ
- Г.олдинда лунж, орқада милклар орасида
- Д. Олдинда лаблар ва лунж ,орқада томоқ

2. Тишларнинг қандай турлари бор?

- А. Dentes incisivi, canini, molaris, serotinus
- Б. Dentes decidui, incisivi, premolaris
- В. Dentes premolaris, permanentes, incisivi, canini
- Г. Dentes molaris, incisivi, canini, premolaris
- Д. Dentes tertia, incisivi, premolaris, canini

3. Тишнинг қандай қисмлари бор?

- А.тана, илдиз, тож
- Б.бошча, тана, илдиз
- В.тож, бўйин, илдиз
- Г.тана, илдиз , бўйин
- Д.тож , бўйинча, тана

4.доимий тишларнинг анатомик формуласи қандай?

- А.2 1 0 2
- Б.2 1 2 2
- В. 2 2 1 3
- Г. 2 1 2 4
- Д. 2 1 2 3

5. тишнинг қаттиқ моддаси нимадан ташкил топган?

А. дентин ва эмалдан

г. дентин ва цементдан

Б. цемент ва эмалдан

д. эмал, цемент, парадонт

В. дентин, эмал, цементдан

6. биринчи бўлиб қайси сут тиши чиқади?

А. юқориги медиал курак тиш

г. пастки латерал курак тиш

Б. пастки медиал курак тиш

д. пастки озиқ тиш

В. юқориги латерал курак тиш

7. Биринчи сут тишини чиқиш муддати қандай?

А. 6-7 ой б. 5-6 ой в. 7-8 ой г. 4-6 ой д. 5-7 ой

8. Сут тишларининг анатомик формуласи қандай?

А. 2 1 2 1 б. 2 1 0 2 в. 2 0 2 1 г. 2 1 2 3 д. 2 1 0 3

9. Қайси тишнинг илдизи учта?

А. Dentis molaris inferior

г. Dentis premolaris inferior

Б. Dentis molaris superior

д. Dentis incisivi

В. Dentis premolaris superior

10. Ақл тишини чиқиш муддати қандай?

А. 13-15 ешда б. 12-20 ешда в. 20-25 ешда г. 18-25 ешда д. 20-30 ешда

11. Тиш тожининг қандай юзалари бор?

Facies vestibularis, lingualis, contactes

Facies occlusialis, lingualis, contactes

Facies lingualis, contactes, vestibularis, occlusialis

Facies lingualis, contactes, occlusialis, vestibularis

Facies medialis, lingualis, vestibularis, buccalis

Топшириқлар:

1. оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини билиш

2. оғиз бўшлиғи, лаблар, тишлардаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3. оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини болалардаги хусусиятларини билиш

4. Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси
Аъзонинг номи оғиз бўшлиғи, тишлар

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қониқарсиз	Талаба оғиз бўшлиғи, лаблар, тишларнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

- 1.Оғиз бўшлиғининг деворини нималар ҳосил қилади?
- 2.Оғиз дахлизининг чегараларини айтиб беринг?
- 3.Лабларнинг тузилиши қандай?
- 4.Тишнинг қандай қисмлари бор?
- 5.Тиш тожининг қандай юзалари бор?
- 6.Тишнинг қандай турлари бор?
- 7.Доимий тишларнинг формуласи қандай?
- 8.Сут тишларининг формуласи қандай?
- 9.Сут тишларининг чиқиш вақти қандай?
- 10.Доимий тишларнинг чиқиш вақти қандай?

Машғулотнинг таъминланиши

Калла суяги, юқори ва пастки жағ суяги, тишлар, бошнинг сагитал кесмаси, планшет ва расмлар.